



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2014-yil, 12-avgust. Seshanba 96 (31.843) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Янги ўқув йили бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Бундай пайтларда бозор расталари, дўконларда ўқув куроллари савдоси қизийди. Ота-оналар фарзандлари учун оддий қаламдан тортиб, чиройли кийим-кечаклар, махсус мактаб формалари харид қилишга ошиқади.



Мактаб ярмаркалари

Ўқувчиларни юқори сифатли ўқув жиҳозлари ва кийим-кечаклар билан таъминлашга хизмат қилмоқда 4

Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоя кафолатлари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси электронати ва газетхонларимиз истақларини инobatга олиб, таҳририятимиз «Сиртқи қабул соатлари» рукнини қайта ташкил этишга қарор қилди. Маълумки, бу рукн остида давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари сизни қизиқтирган саволларга жавоб беради.

«Сиртқи қабул соати»нинг дастлабкисини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ўтказиш режалаштирилган эди.

БУГУН МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИ АЗИЗ АБДУҲАКИМОВ «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»ГА КЕЛГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

Маммура Эргашева, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши масъул ходими:

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасида ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчиларини синов муддатисиз ишга қабул қилиниши тўғрисида меъёр белгилаб қўйилди. Лекин, айрим иш берувчилар томонидан ҳанузгача ўрта махсус, касб-хунар коллежларини битирган ёшларни ишга қабул қилишда синов муддати белгиланмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги органлар бундай ҳолларга қарши қандай чора-тадбирларни кўрмоқда?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларнинг амалда қўлланилиши юзасидан Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси томонидан тўлиқ назорат ўрнатилган.

Юқоридаги қонуннинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш мақсадида малака ошириш марказларида, таълим муассасаларида ўқув соатлари ташкил этилди. Хусусан, Тошкент давлат юридик университети, Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш марказида, «Ўзбек-телеком» АК, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлимида малака ошириш ўқувлари ташкил этилди. Иш берувчилар орасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Хусусан, Тошкентдаги медицина,

Темирйўл коллежларида ва бошқа вилоятларнинг касб-хунар коллежларида битирувчиларга мазкур қонун юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, иш берувчиларга янги қонун нормаларини етказиш учун марказий ва жойлардаги телевидениелар орқали ўзбек ва рус тилларида маълумотнома берилди, матбуотда мақолалар chop этилди.

Мазкур қонун вазирлик веб-сайтига жойлаштирилган бўлиб, электрон маълумотлар тарқатиш ишлари ҳам ташкил қилинган. Мазкур веб-сайт орқали барча иш берувчи ва ходимлар янгиликлардан хабар топишига имкон яратилган.

Кейинги устувор вазифа жойларда қонун нормалари бажарилишини назорат қилиш ва улар рияз атамганларга нисбатан тегишли таъсир чораларини қўллашдан иборатдир.

Юқорида айтиб ўтилган қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгаришлар киритилмоқда.

Молиявий санкциялар бекор қилиниб, улар ўрнига маммурий жавобгарлик белгилангани боис, эндиликда тадбиркорлик субъектига эмас, балки уни содир қилган мансабдор шахсга жавобгарлик қўлланиладиган бўлди. Бу норма Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 50, 51 ва 255-моддаларига киритилган ўзгаришлар асосида амалга оширилди.

► Давоми 3-бетда.

ДИҚҚАТ! «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

Таклифлар аниқ ва асосли бўлиши лозим



Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Кенгаши Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини эшитиб, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмитани белгилани ҳамда бир вақтнинг ўзида қонун лойиҳаси унга илова қилинган материаллар билан бирга фракцияларга (депутатлар гуруҳига) ҳам юборилгани ҳақида хабар берилган эди.

ЎзХДП ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул усули бандлик даражасини ошириш, деб ҳисоблайди. Шунинг учун партиянинг маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ҳар бир туман ва шаҳарда тўлиқ ижросини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиши, бу борада қатъий ва талабчан фаолият юритиши зарур.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида

ЎзХДП «Соғлом бола йили» Давлат дастуридаги ижтимоий мақсадларга йўналтирилган вазифалар аҳамиятини юқори баҳолайди ҳамда унинг ҳар бир ҳудудда самарали ижро этилишини муҳим, деб ҳисоблайди.

Дастур ижроси депутатлик назоратида

Партиянинг жорий йил режасида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан депутатлик, шунингдек, жамоатчилик назоратини изчил олиб бориш, электротар маффаати билан боғлиқ масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида атрофлича муҳокама қилиш каби вазифалар белгилаб олинган.

► Давоми 2-бетда.

Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

Тошкент вилоятида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда. Президентимиз раҳномалигида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аънавий ўтказиб келинаётган мазкур ҳафталик ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилаётди. Зангиота туман кўп тармоқли поликлиникасида ўтказилган шундай тадбир юксак савияда ташкил этилди. — Тиббий кўриқларни юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит яратилган, — дейди педиатр Намуна Сиддиқова. — Чуқурлаштирилган бундай текширувлар фарзандларимизнинг саломатлиги йилдан-йилга яхшиланиб бораётганини кўрсатмоқда. Саломатлик ҳафталиги доирасида қишлоқ врачлик пунктлари, марказий кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалар шифокорлари хонадонларда бўлишиб, ногирон ва ёши улуг инсонларга тиббий ёрдам кўрсатаётди. Кардиолог, терапевт, невропатолог, эндокринолог каби мутахассислар вилоятнинг бошқа туман ва қишлоқларида ҳам аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

Ў.А

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Сайловчилар мурожаатлари билан ишлаш

депутат фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир



www.uzbekistonovozi.uz

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

Бугун юртимизда яратилган шарт-шароит ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, нафақат ўзи, оиласи, балки қишлоқдошлари, бутун мамлакат фаровонлиги юксалишига хизмат қилаётган саховатпеша, удабурон замондошларимиз кўплаб топилди. Ана шундай юртдошларимиздан бири, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «CHINOBOD MIRAXMEDOV SHUXRAT» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП аъзоси Шуҳрат Мираҳмедовдир. Фермер хўжалигида ҳозирда сут, кефир, қаймоқ, йогурт, бринза, сузма, пишлоқ каби сут ва сут маҳсулотларининг 9 тури ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, хўжалик фаолиятининг кенгайиши натижасида 100 га яқин янги иш ўрни яратилиб, ёшлар бандлиги таъминланмоқда.

Суратда: сутни қайта ишлаш корхонаси технологи Хуришд ФОИПОВ.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Навбатдаги сонларда

ЎзХДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари қандай ташаббусларни кўтармоқда? Жойларда партия Сайловолди дастури қандай ижро этилмоқда?

Таҳририятимизда ўтказилган «Давра суҳбати»да шу каби саволлар устида фикр юритилди.



Таклифлар аниқ ва асосли бўлиши лозим



Сенатор ШОТЎЛТАЙАНОВ билан сураблар.

Фракция фаолияти

Кеча мазкур қонун лойиҳаси ЎзХДП фракциясининг ишчи гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилди. Бундан мақсад қонун лойиҳасини фракция йиғилишида биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёргарлик кўришдан иборат бўлди.

Президентимизнинг тегишли Фармони (ПФ-4455)да корхона банкрот деб топилганда, кредиторларнинг талабларини қондириш тартибига ўзгариш киритиш назарда тутилган. Унга кўра, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидан талаблар билан кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларини

мутаносиб равишда қондириш ҳисобга олинган. Бу кредиторлар киритган маблағларни қайтариш кафолатини кучайтиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси ана шу меъёрни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шу ўринда банкротлик тушунчасига, мажбурий тўловлар ва кредиторлар талабларини қондириш масалаларига имкон қадар ойдинлик киритиб

ўтсак. «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг мақсади яқка тартибдаги тадбиркорликнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу Қонун бюджетдан таъминланадиган ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунга кўра, банкротлик (иктисодий ночорлик) деганда ҳужалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришига ёки мажбурий тўловлар буйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги тушунилади. Мажбурий тўловлар эса давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланади.

Ишчи гуруҳи аъзолари қонун лойиҳасининг тартиб-таътири, электроти манфаатларига мослигини таъкидлашди. Де-

путатларнинг фикрича, қонун лойиҳасидаги маълум жиҳатлар ЎзХДП фракцияси учун принципиал аҳамиятга эга.

— Алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳаси тартиб-таътири электроти манфаатларига мос келади, — дейди **ЎзХДП фракцияси аъзоси Улугбек Зокиров**. — Жумладан, қонун лойиҳасида иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўловлар ҳамда қарздор фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлса, мана шу талабларни биринчи навбатда қондиришни назарда тутувчи ўзгариш киритиш таклиф этилаётти. Қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида кўриб чиқилаётганда бу каби жиҳатларга ало-

қонун лойиҳаси юзасидан жамоатчилик вакиллари, тартиб-таътири фаоллари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз фикр-мулоҳазаларини ўрганиш кўзда тутилган.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳи фикр-мулоҳазалар ва ҳулосаларини умумлаштирди. Унга кўра, қонун лойиҳаси буйича тайёрланаётган таклифнинг фракциянинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинган, кейинчалик масъул кўмитага тақдим этиладиган бўлди.

Гарчи «Банкротлик тўғрисида»ги қонун яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари

Гарчи «Банкротлик тўғрисида»ги қонун яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига дахлдор бўлса, унда ишчи-ходимлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояси кафолати буйича муҳим масалалар акс этади.

ҳида эътибор берилди.

— Фракциямиз қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида ўз нуқтаи назарини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, ҳимоя қилишга эътибор бермоқда, — дейди **ЎзХДП фракцияси аъзоси Искандар Азизов**. — Чунки сиёсий тартиб-таътири шартли мақсадлари рўёбга чиқиши, аввало, парламентдаги қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир қўраётган орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳар бир қонун лойиҳаси буйича электроти манфаатларидан келиб чиқадиган таклифлар тайёрлашга, уларни асослашга ҳаракат қилаёلمиз. Ишчи

фаолиятига дахлдор бўлса, унда ишчи-ходимлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояси кафолати буйича муҳим масалалар акс этади. Булар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат таъминлашга мувоzanати сақланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш жараёнида ЎзХДП фракцияси қатъий позиция кўрсатади, депутатлар бу муҳим масалаларга масъулият билан ёндашади, деб ўйлаймиз.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кўшпартиявийлик тизими

жамият турли қатламлари манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда

Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол иштирок этиши демократиянинг муҳим шартларидан бирidir. Мамлакатда аҳолининг турли қатламлари хоҳиш-истаклари ҳар томонлама ҳисобга олинши, рўёбга чиқарилиши кучли фуқаролик жамияти шаклланиётганидан далолат беради. Бу жараёнда кўшпартиявийлик тизими, унинг ривожланиши ҳаётини зарурат ҳисобланади.

Давлатимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги оstonасида турган эканмиз, истиқлолимиз мислсиз ҳуқуқ ва эркинликлар билан бирга, халқимизнинг хоҳиш-иродасини, давлат бошқарувини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш ҳуқуқини бергани ҳақида ҳам яна бир бор ўйлаб, ҳулоса чиқарсак, тўғри бўлади.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини таъминлашда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Қонун сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, жамоат бирлашмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратиб, ҳуқуқий шароит яратиб берди. Шу тарихда Ўзбекистонда кўшпартиявийликка йўл очилди ва жамиятда турли қатламлар, нуқтаи назарлар шаклланишига, уларни эркин ифода этиш, тарғиб қилиш, сиёсий плюрализмга замин ҳозирланди.

Кўшпартиявийлик ривожланган давлатларда сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий манфаатларини парламент, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари орқали ифода этиш ҳамда рўёбга чиқариш мақсадида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам кўшпартиявийлик тизимига асосланган сиёсий хилма-хиллик ривожланишига замин яратувчи ҳуқуқий асослар шакллантирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун шунлар жумласидандир.

Бундан ташқари, қонунчиликда кўшпартиявийлик таъминлашнинг амалда рўёбга чиқишида муҳим ўрин тутадиган муҳолифат тушунчаси

аниқлаштирилди. Унга кўра, янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Кўшпартиявийлик тизимининг ривожланишида мамлакатда фаолият юритаётган турли қараш ва позицияга эга сиёсий партияларнинг кураши муҳим аҳамият касб этади.

Кўшпартиявийлик тизимининг ривожланишида мамлакатда фаолият юритаётган турли қараш ва позицияга эга сиёсий партияларнинг кураши муҳим аҳамият касб этади. Партияларро рақобат мамлакатда турли ғоялар, фикрлар, қарашларнинг ривожланишига замин яратувчи

ҳамда улар амалиётга татбиқ қилинишининг асосий механизми ҳисобланади. Албатта, ҳар бир партия аҳолининг маълум ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя этиши, сайловларда қўлаб-қувватлаган электроти олди-

да ҳисобдорлигини ҳис қилиши зарур. Агар сиёсий партияларнинг 2009 йилдаги Сайловолди дастурига эътибор қиладиган бўлсак, ҳар бир партиянинг ўз мақсади, интилишлари, қарашлари ва позициясига эгаллигига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳақон демократик таъминлаш ва қадриятларига мос келадиган партиялар шаклланимоқда. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда кўшпартиявийлик тизими изчил ривожланиб, сайловларни кўшпартиявийлик асосида ўтказиш демократик қадриятга айланди. Давлат ҳокимиятининг шакллантиришда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг таклиф ва истақлари инobatга олиниши муҳим таъминий даража-сига чиқди.

Буларнинг ҳаммаси шуни англатадики, эндиликда сиёсий партиялар турли ижтимоий қатламларнинг хоҳиш-истакларини ифода этиш, манфаатларини ҳимоя қилишда тобора фаол сиёсий кучга айланиб бормоқда. Яъни, сиёсий партиялар қайси ғояни, нима учун илгари сураётганини, бу нимага хизмат қилишини яқши тасаввур қилади. Партияларнинг таянчлари бўлган турли ижтимоий қатламлар ҳам қайси сиёсий кучлар улар манфаатини ҳимоя қилиш учун курашаётганини тобора чуқурроқ англаб бормоқда. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиши, ўз навбатида, сиёсий партияларнинг кучи ва сало-

ҳияти ўсишига ижобий таъсир қўрсатмоқда.

Президентимиз Конституциямизнинг 21 йиллиги тантанасидаги маърузасида кўшпартиявий тизим ҳақида, мамлакатимиз тарққийлини юксалтиришда унинг аҳамияти ҳақида муҳим фикрларни билдирди. Таъкидландики, «...кўшпартиявий тизимни мустаҳкамлаш ва партияларро рақобатни кучайтириш — биз кўзлаган демократик давлат барпо этишининг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор».

Давлатимиз раҳбари илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ғоялар асосида Конституциямизга киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар ҳам кўшпартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлашга, давлат бошқарувини демократлаштиришда партияларнинг ўрни ва таъсирини кафолатлашга хизмат қилади.

Шуларга таяниб айтиш керакки, мамлакатимизда навбатдаги парламент сайловлари кўшпартиявийлик тизими ва принципнинг янада изчил намойён бўлишида муҳим ўрин тутди. Қайси партия фуқароларнинг хоҳиш-иродасини тўғри ифодалаша, одамларнинг кўнглидаги ниятни чуқур илғаб, улар асосида ўз ғояларини шакллантиришга, ўша партия кўпроқ муваффақият қозонади. Зеро, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онги, дунёқараши ўсиб бораётгани партиялар ўз Сайловолди дастурларини мукамил, жоziбдор, энг муҳим, ҳаётий масалалар асосида ишлаб чиқишини тақозо қилади.

Ваҳоб ҚўЧҚОРОВ, сиёсий фанлар доктори.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига

Шунга кўра, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси масаласи ўрганиб чиқилди ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлоднинг тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида кўрилди. Унда ЎзХДП гуруҳи аъзолари вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва молия бошқармаси бошлиқлари М.Солиқов, З.Тенабоев, М.Убайдуллаевларнинг ахборотлари тингланди.

Дастур ижроси депутатлик назоратида

«Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишга ҳар томонлама шароит яратиш, оилаларнинг моддий ва маънавий асосини мустаҳкамлаш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш чоралари белгиланган. Унинг ижроси депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилганда қатор ижобий натижалар қайд этилди. Жумладан, вилоятдаги ўнлаб соғломлаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари мукамил таъмирланмоқда. Бунинг учун давлат бюджетидан 24,5 миллиард сўм сарфланди. Қишлоқда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида 68 объекта қазилма ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, 63 мактабга тарбия муассасаси, 26 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ҳамда мукамил таъмирлаш ишларига катта миқдорда маблағ йўналтирилди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири вилоятнинг кўплаб қишлоқларида аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш тадбирлари амалга оширилди. Беморлар доволаш муассасаларига юборилди. Шунингдек, мактабга тарбия муассасаларига қатновчиларнинг 59,8 фоизи чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг қон таҳлили, флюорография текшируви натижалари буйича тегишли қоралар кўрилди. Умуман, вилоятда Дастур ижроси учун

ўтган 6 ой давомида 53,1 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Доимий комиссия йиғилишида ЎзХДП гуруҳи аъзолари Давлат дастуридаги ҳар бир йўналишда белгиланган вазифалар ижросида эришилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, айрим камчиликларни очиб-ойдин муҳокама қилишди. Уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар киритди. Бешарик, Фурқат, Тошлок, Қува, Данғара, Бувайда ҳамда Богдод туманларида дастурнинг баъзи йўналишлари бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Уларнинг ҳар бири депутатлик гуруҳи назоратида олиниб, ижросини таъминлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг ақсарияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий маданиятини оширишга қаратилган, — дейди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Махмуджон Маҳкамжон**. — Партиямиз Сайловолди дастурида ҳам ана шу масалаларга жиддий эътибор қаратилган. Шундай экан, Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича ишларимиз аниқ йўналишларда олиб борилиши лозим.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаётининг

ЎзХДП Юқоричирчиқ туман кенгаши «Фаол аёллар» ҳамда «Истикбол» ёшлар қанотлари мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деб номланган тадбир ўтказди.

Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, аёллар ва ёшлар қанотлари вакиллари, «Ободонлаштириш» бошқармаси ишчи-ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида халқимиз босиб ўтган оғир ва шарафли йўл, барча соҳаларда қўлга киритилган марра ва ютуқлар, бунёдкорлик ишлари, тарихий ўзгаришлар ҳақида фикр алмашилди. Айниқса, юртимизда инсон қадри қанчалик улуғланаётгани, амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида биринчи ўринда инсон манфаати тургани, ёшларга яратилаётган шарт-шароитларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳақиқатан ҳам, биз бахтиёр ёшлармиз, — деди **«Истикбол» ёшлар қаноти туман бўлими етакчиси Зулхумор Эргашева**. — Ўқиймиз, илм оламиз, иқтидоримизни рўёбга чиқарамиз... Буларнинг барчаси учун шарт-шароит етарли. Энг муҳими, юртимиз тинч, халқимизнинг кўнгли хотиржам. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли эканини яқши тушунамиз ва уни янада мустаҳкамлашга, кадрлашга ҳаракат қиламиз.

Тадбир сўнгида партия сафига қабул қилинган 10 нафар ишчи-ходимга аъзолар гувоҳномалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидagi партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.



Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоя кафолатлари

Шаҳноза Парманова, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши ходими:

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари тўғрисида бўлиб, унинг 7-бандида «ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини захирада сақлаш» тўғрисида меъёр киритилган. Қонунда белгиланган меъёр бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан махсус қарор қабул қилиниб, иш ўринлари захирада қўйилади. Ушбу механизм жойларда қандай ишларда қўйилади? Бу масала вазирлик томонидан ўрганилганми?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасида ногиронларни иш билан таъминлаш тартиби белгиланган, унга кўра, ходимларининг сонини йиғирма нафардан ортиқ бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлик қисмидаги камидан уч фоизи миқдорда иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди.

Банд қилиб қўйилаётган иш ўринларининг миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ календарий йили бошланишидан уч ойдан кечикмай ташкилотларга етказилмоқда. Ташкилот йил бошлангунча 10 кундан кечикмай ижтимоий муҳофазатга муҳтож ва иш қилинишида қийинлашган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камидан 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари захирада тайёр бўлишини таъминлайди. Бу тўғрисида Бандликка кўмаклашиш тумани (шаҳар) марказига йил бошлангунча ахборот берилади. Ижтимоий муҳофазатга муҳтож ва иш қилинишида қийинлашган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томо-

нидан календарий йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади. Бу тўғрисида Бандликка кўмаклашиш тумани (шаҳар) марказига биринчи чорақ тугагандан кейин 10 кундан кечикмай ахборот берилади. Банд қилиб қўйилган иш ўринлари ишга жойлаштириш ташкилот томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш тумани (шаҳар) марказига йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилади.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратишга доир маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларининг бажарилиши вазирлигимизнинг ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармалари томонидан ўрганилиб борилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини бажармаган ташкилотларнинг мансабдор шахслари Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъсума Қосимова, Қашқадарё вилояти, Чирочқи тумани:

— Жойларда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг ҳаммасини ҳам барқарор, деб бўлмайди. Бу борада сохтакорликлар бўлмаслиги учун вазирлик томонидан қандай чора-тадбирлар белгиланган?

Жавоб: — Жойларда яратилаётган иш ўринларининг ҳисобини юритишда сохтакорликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2013 йил 27 июнда қўйилган 2474-сонли «Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисида»ги Низом қабул қилинган. Низомга мувофиқ Дастурда назарда тутилган ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ҳолидаги таъминлаш мақсадида ҳар ойда бир марта иш ўринлари ташкил этилган ташкилотда янгидан ташкил этилган иш ўринларининг ҳаққонийлиги ўрганилади.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 84-моддасига киритилган ўзгариш орқали эндиликда таълим муассасасини тамомлаган кундан бошлаб 3 йил ичида биринчи марта ишга қараётган таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати белгиланганга йўл қўйилмайди. Синаш амалиё-

тидан воз кечилгани жуда тўғри иш бўлди. Коллеж битирувчиси 3 ой синов муддати билан ишга қабул қилиниб, деб ҳисобот бериб, 3 ой ўтган, синовдан ўта олмади, деб меҳнат шартномасини бекор қилаётган кўзбўямачи иш берувчилар оз эмас эди. Шу сабабли мазкур янги норма билан битирувчилар узоқ муддатли иш билан таъминланишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофазат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш баравари миқдорда жазима солишга сабаб бўлиши, худди шундай ҳуқуқбузарлик содир этмаган шахсга нисбатан водирга этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн баравари миқдорда жазима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Бундай ҳолатлар содир этилган тақдирда иш берувчи жойлашган тумандаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш марказининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторига мурожаат қилиш тавсия қилинади.

Абдували Соатов, Андижон вилояти, Асака тумани:

— Ҳарбий хизматдан қайтганларни иш билан таъминлашда қандай имтиёзлар бор?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан

бўшатилганлар учун иш ўринлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига мувофиқ захира қилиб қўйилади. Улар ана шундай иш ўринларига жойлаштирилади.

Ақбар Қосимов, Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани:

— Жазони ўтаб қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш тартиби ҳақида тушунча берсангиз?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд

қарорига кўра, тиббий йўсиндаги мажбурув чораларига тортилган шахслар учун иш ўринлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига мувофиқ захира қилиб қўйилади. Улар захираланган иш ўринларига ишга жойлаштирилади.

Бекзод Шомуродов, Навоий шаҳри:

— 2014 йилда Навоий давлат кончилик институтини шартнома асосида тамомладим. Ишга жойлашиш учун шахримиздаги бандлик марказига мурожаат этдим. Улар ҳужжатларим билан танишган, «сиз контрактда ўқиган экансиз, агарда грант асосида таҳсил олганингизда сизни махсус захира иш ўрни мавжуд корхонага юборар эдик», дея жавоб беришди. Шу тўғрисида?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси аҳолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришдаги кўшимча кафолатларни таъминлайди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини таъминлаган ёшларга, шунингдек, олий ўқув юрларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилар

учун иш ўринлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига мувофиқ захира қилиб қўйилади.

Олий ўқув юрларининг тўлов контракт асосида таълим олган битирувчилари контракт асосида ўқитган корхоналарга ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш марказлари орқали бўш иш ўринларига ва янгидан яратилган иш ўринларига ишга жойлаштирилади.



Муҳаммадиқбол Шуқуров, Сурхондарё вилояти, Термез шаҳри:

— Болалиқдан ўнг оёғим реталогик чиққан. 2008 йили Самарқанд шаҳридаги реабилитация марказида операция қилишди. 16 йилдан кейин ногиронлик нафақаси берилмади. Ўнг оёғим тос қисмида жаррохлик операцияси ўтказилиши лозим. Бу жаррохлик операциясини ўтказиш учун ота-онамда маблағ етарли эмас. Мени операция қилиш учун давлат идоралари томонидан амалий кўмак бериладими?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори билан «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган.

Мазкур Низомнинг 8-бандига асосан, болалиқ оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланиши кўзда тутилган.

Низомнинг 18-бандига мувофиқ, оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад, болалиқ оилаларга

нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги охиригача бўлган ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритилган оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади.

Ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш масаласи ўзини ўзи бошқариш органларида камидан 15 кишидан ташкил этилган ваколатли комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Шунинг учун моддий ёрдам тайинлаш масаласида яшаб турган жойингиздаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатли комиссиясига мурожаат қилишингиз тавсия этилади.

Турсунбой Холмирзаев, Наманган вилояти, Чортоқ тумани:

— Оилада 4 кишимиз. Ўзим фермер ҳўжалигида ишлайман. Шартномага мувофиқ ишбай усулида иш ҳақи оламан. Болаларим хали ёш. Турмуш ўртоғим ишлаймайди. Маҳалла фуқаролар йиғинига ёрдам сўраб мурожаат қилсам, меҳнат инспектори менга ҳам, турмуш ўртоғимга ҳам энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорда даромад ҳисоблаб, ёрдам пули олишга нолойик эканлигини айтди. Ёрдам пули кимларга ва қандай мезонга асосан берилади?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 24-бандига мувофиқ, агар оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромадлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларда даромад суммаси кўрсатилмаган бўлса ёки энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараваридан кам сумма кўрсатилган бўлса, у ҳолда оиланинг ўртача ойлик жами даромадини ҳисоблаш учун даромади нормативдан паст кўрсатган ёки даромади мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган оила аъзоларининг ҳар бирига нафақа ёки моддий ёрдамга мурожаат қилинган ойда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари-

га тенг бўлган норматив даромади миқдори қабул қилиниши кўзда тутилган.

Ушбу қоида: бола икки ёшга тўлгунча қадавр унинг парвариши билан банд бўлган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқитилганларга (меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни амалга ошириш ҳоллари бундан мустасно); ишлаймайдиган пенсионерларга;

амалда шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзосига;

туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш марказларида ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқароларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган.

Дилдора Мухамедова, Ташкент шаҳри:

— Иш вақтининг қисқартирилган муддати қандай ҳолларда белгиланади?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (кучга кириш санаси 01.04.1996 йил) 116-моддасига асосан айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнат шартларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларининг инobatга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қўйиладиган бўлиши белгиланади: ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар; I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар;

ноқулай меҳнат шартларидаги ишларда банд бўлган ходимлар; алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар;

уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланмаган муассасалар ва ташкилотларда ишлайдиган аёллар.

Меҳнат кодексининг 117-моддасига асосан иш вақтининг ҳафтасига ўттиз

олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан қасба-йўшма-си кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, меҳнат шартномасига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланмаган услуби асосида белгиланади.

Мазкур кодекснинг 118-моддасига асосан юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббий ёки педагогик ҳолатлар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Дониёр Ўсанов, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ходими:

— «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси 1-бандида ногиронларнинг кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, турар жой даҳаларини барпо этишга, янги қуриш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплекслари реконструкция қилишга, шунингдек, транспорт воситаларини, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Лекин ногиронлар тез-тез келадиган айрим шифохона, поликлиника ва дориҳоналарнинг қурилиши ногиронлар қилиб-қилиши учун ноқулайлигини, яъни махсус пандуслар йўқлигини кўриш мумкин. Бу борада қанақа чора-тадбирлар қўриломоқда?

Жавоб: — «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси 1-бандида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар-жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томшоғоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўқсинликсиз кириши учун, шунингдек, темирйўл, ҳаво, сув транспортидан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўқсинликсиз фойдаланиши учун шартлоил яратиши шартлиги ҳамда ногиронларнинг кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, турар-жой даҳаларини барпо этишга, янги қуриш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини реконструкция қилишга, шунингдек, транспорт воситаларини, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда

ишлаб чиқаришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш нормалари ва қоидалари ногиронларнинг тегишли жамоат бирлашмалари фикрини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги билан келишиши ҳамда янги бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишиши ҳолда амалга оширилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Қонун ижросини таъминлаш бораида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий даврда республикада 7,6 минг ижтимоий инфратузилма объектларига ногиронлар ҳаракатланиши учун пандуслар қурилиши таъминланган. Қонун талабларини бажармаган корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан 542408,3 сўм миқдорда жазима қўлланилган.

Қонун ижросини таъминлаш жойларда вазирликнинг давлат меҳнат техник инспекторлари томонидан доимий назоратга олинган.

«Ўзбекистон овози» мухбири Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Авалло, партиямиз электорати вакиллари ва бошқа газетхонлар саволларига жавоб бергани учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги Азиз Абдуҳақимовга миннатдорлик билдираимиз.

Тўғри, биргина «Сиртки қабул соатлари» орқали ҳамма саволларга жавоб бериш қийин, албатта. Аммо Сиз ўзинингизни қизиқтирган саволлар билан исталган вақтда таҳририятимизга мурожаат қилишингиз, саволларингизга малакали мутахассислар томонидан жавоб олишингиз мумкин.



Ҳайвонот дунёси камайиб бормоқда

Стэнфорд университетининг таниқли биолог олимлари инсониятни оғоҳликка чақириб, ҳайвонот дунёсига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини яна бир бор ўқитди. Негаки, уларнинг таъкидлашларича, ҳайвонот дунёси олтинчи оммавий қирилишга юз тутмоқда.



Олимларнинг эслатишича, бундан 440 миллион йил муқаддам биринчи оммавий қирилиш юз берган. Ушунда қадимий Гондвана континенти ҳаракатга келиши туфайли океанлар сатҳи пасайган ва оқибатда денгиз жонзотларининг 60 фоизи қирилиб кетган. 364 миллион йил аввал юз берган иккинчи оммавий қирилиш оқибатида эса денгиз жонзотларининг тенг ярми йўқ бўлган. Перм қирғини, деб ном олган учинчи қирилиш 251,4 миллион йил муқаддам содир бўлган ва ушунда Ерга астероид келиб тўқнашиши оқибатида ерда яшовчи жонзотларнинг 95 фоизи қирғинга учраган. Тўртинчи оммавий қирғин бундан 199,6 миллион йил муқаддам қайд этилган. Динозаврлар эса 65,5 миллион йил аввал бешинчи оммавий қирилиш натижасида йўқ бўлиб кетган. Бу қирилишларнинг бирортасига инсониятнинг даҳли бўлмаган. Барчаси табиат билан боғлиқ ҳодисалар натижасида юз берган. Аммо олтинчи оммавий қирилиш эса айнан инсониятнинг табиатга таъсири оқибатида юз бериши олимлар томонидан исботланган.

Биологлар баҳо беришларига қараганда, инсоният табиатга таъсир кўрсатишини бошлаганига 200 минг йилдан ошган бўлса, шу давр мобайнида тахминан минг турдаги жонивор йўқ бўлган. Яна 33 фоизгача бўлган турлар йўқ бўлиш арафасида турибди.

Бунага асосий сабаб: инсониятнинг ҳўжалик фаолияти натижасида ўрмонлар сарҳадининг қисқариши, иқлим ва экотизимнинг ўзгаришидир.

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳайвонот дунёсининг йўқолиши даражаси қадимий даврга нисбатан минг мартага тезлашган. Бироқ бу қирилиш оммавий қирилиш даражасига етмаган бўлса-да, аммо йирк ҳайвонот турлари, масалан, китлар, филлар ва йўлбарсларга нисбатан хавф анча реаллашган.

Олтинчи оммавий қирилишнинг олдини олиш учун инсоният табиатга эҳтиёткор муносабатда бўлиш масъулиятини кучайтириши лозим. Иқлим ўзгаришлари таъсирини камайтириш учун ҳайвонот дунёсини янги манзилларга кўчириш масаласини тезкорлик билан амалий ҳал этиш талаб қилинади.

Олимлар илмий башоратларини чоп этган «Nature» журналида ёзилашчи, олтинчи оммавий қирилишнинг олдини олиш ва бу жараёни тўхтатиб қолиш учун инсоният ихтиёрида яна 100-200 йил бор.

Ўлиш ҳолати камайган бироқ касалликка чалиниш ортиб бормоқда



БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури мутахассислари томонидан тайёрланган ҳисоботда қайд қилинишича, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)га чалинган беморларнинг ҳаётдан бевақ кўз юмиш даражаси 2005 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда дунё бўйича 21 фоизга камайган.

Улам ҳолатининг энг юқори кўрсаткичи 2005 йилда қайд этилган. 2010 йилда эса 1,8 миллионга ўлим ҳолати юз берган. Бу 2005 йилдагига қараганда 21 фоизга кам. Аммо ачинарлиси шуки, ОИВга чалинганлар сонини дунё бўйича ўсишда давом этмоқда. 2010 йилда ОИВ-инфекция билан ортирганларнинг дунё бўйича умумий сонини 34 миллион кишини ташкил қилган. Бу ўн йил аввалги кўрсаткичдан 17 фоизга кўпдир.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Мактаб ярмаркалари

ўқувчиларни юқори сифатли ўқув жиҳозлари ва кийим-кечаклар билан таъминлашга хизмат қилмоқда

Ижтимоий ҳимоя

Мамлакатимизда ҳар йили «Билимлар куни» арафасида дунёнинг ҳеч бир давлати таърибасида учрамайдиган мактаб ярмаркалари ташкил этилиши ота-оналар, ўқувчилар, умулман, аҳоли учун жуда катта қулайлик яратмоқда, улар ўзларига энг яқин мактаб, бозор ёки савдо мажмуасидан арзон ва юқори сифатли маҳсулотлар — барча турдаги ўқув жиҳозлари ҳамда кийим-кечаклар сотиб олиш имконига эга бўлмоқда.

Республика Болалар кутубхонасида навбатдаги мактаб ярмаркалари ўтказилиши олдидан ўқув қуроллари, дарсликлар, адабиётлар, болалар кийим-кечаклари кўргазмаси ташкил этилди. Унда Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекенгилсанот» компанияси ва «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси вакиллари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, ота-оналар, ўқувчилар ҳамда журналистлар иштирок этиди.

— Бу йилги мактаб ярмаркалари 10 августдан 10 сентябрга давом этади, — дейди Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари

Давомий. Бошланғич 1-бетда.

фаолиятини ташкил этиш бош бoшқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Ярмаркалар асосан умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунаро коллежларида, шунингдек, бозор ҳамда савдо мажмуаларида ташкил этилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида 130 кўчма автодўконлар хизмат кўрсатади. Мазкур ярмаркаларда 26 турдаги ўқув жиҳозлари, ўғил-қизлар учун мактаб кийимлари, спорт формалари ҳамда пойабзаллар сотуви ташкил этилади. Бугунги кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад кенг жамоатчиликни мактаб ярмаркаларига етказиб бериладиган маҳсулотлар сифати

ва нархлари билан таништиришдан иборат.

— Фирмаимиз қиз ва ўғил болалар учун мактаб формалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди Фаргона шаҳридаги «Махфират текстиль» хусусий фирмаси ходими Абдурауф Нурматов. — Ушбу ярмаркага асосан 1-5 синф ўқувчилар учун мўлжалланган кийим-кечакларни намойиш қилаяёмиз. Утган йили Фарғонада ўтказилган мактаб ярмаркасида иштирок этганимиз. Энди эса маҳсулотларимизни республика бўйича сотишни мўлжаллаяёмиз. Кийимларимиз юз фоиз пахтадан тайёрланган матодан тикилгани ва сифати яхши бўлгани учун уларга талаб катта. Энг муҳими, нархлари арзон. Бундан ташқари, маҳсулотларни ҳар қандай тўлов тури орқали харид қилиш мумкин.

— Ярмаркада асосан болалар ва ўсмирлар учун ишлаб чиқарилган 150 турдаги пойабзал билан катнашаёмиз, — дейди «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси бош мутахассиси Шухрат Алиев. — Мақсадимиз мактаб бозорларига табиий чармдан бўлган сифатли ва арзон пойабзаллар етказиб бериш, маҳаллий тадбиркорлар билан шартномалар тузишдан иборат. Чет элдан импорт қилинаётган маҳсулотларга нисбатан бизники анча арзон, бироқ сифати улардан қолишмайди. Айни пайтда

маҳсулотларимизга қўшни давлатлар бозорларида ҳам талаб юқори.

— Бу сафарги ярмаркани ўтган йилги билан таққослаганда қатор ўзгаришлар кўзга ташланмоқда, — дейди Шайхонтохур туманидаги 254-умумтаълим мактаби директори Бахтинисо Пулатова. — Энг аввало, маҳсулот тури кўпайган ва тўлиқ таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган. Баъзан бозорларда оддий дафтарлар нари турсин, ҳатто, ўқувчининг юзи бўлган кундалик дафтарлар муқоваси ҳам маънавийимизга тўғри келмайдиган, қандайдир хориж кинофильмидаги «қахрамонлар» сурати билан «безатилган»га гувоҳ бўлаёмиз. Ярмаркага қўйилган барча ўқув қуроллари муқовасида эса буюк аждодларимиз сиймоси, улар ҳақидаги қисқача маълумотлар, Президентимизнинг ёшларга қарата айтган даъваткор сўзлари акс этган.

Бу эса ўқувчи руҳини кўтарди, улар қалбига она-Ватанга муҳаббат туйғулари уйғотди. Бугунги кўргазмага келиб, шахсан ўзимда спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартнома тузиш истаги пайдо бўлди. Чунки бозорга нисбатан ар-



Ушбу олинган сурат.

зон экан. Кейин жисмоний тарбия дарсларида барча ўқувчилар бир хил кийимда бўлади. Бу ҳам мактабимиз имижига ижобий таъсир кўрсатади.

— Биз ўқиган пайтларда дафтарларнинг барчаси чет элдан келтирилди, — дейди «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа уйи директори ўринбосари Махмуд Зайтаев. — Мустақиллик йилларида Ҳиндистондан янги линиялар олиб келди. Хусусан, бу йил 33 миллиондан зиёд оддий ҳамда 300-400 минг нусхада расм ва кундалик дафтарлар мактаб ярмаркаларига чиқарилади. Бундан ташқари, Президентимиз қарори билан ўтган йили илк бор 1-синф ўқувчилари учун мўлжалланган инглиз тили дарсликлари чоп этилган эди. Бу йил ҳам биринчи ва иккинчи синф учун ўқув қўлланмалар жуда катта — 460 минг нусхада нашрдан чиқди. — Набираларим Шайхон-

тохур туманидаги 254-мактабда ўқишади, — дейди Раъно Тожиёва. — Телевизордан мактаб ярмаркаси бошлангани ҳақида эшитиб, уларни ҳам олиб келдим. Бу ерда пластик қарточкалар билан савдо қилиш учун терминаллар ўрнатилган. Нархлари ҳамёнбоп. Шу тобда ёшлигим эсимга тушиб кетди. У даврларда қалам топсак, учирғич етишмас, расм дафтари олсак, циркуль муаммоси пайдо бўларди. Китоблар етмас, синфдошлар навбатма-навбат ўқир эдик. Утган йили биринчи синфга борган кенжа неварамга ўқув қуролларидан иборат Президент совғаси топширилганда ич-ичимдан қувондим. Бугун болаларимизнинг ўқув қуроллари бизнинг ҳалимизга ҳам келмаган.

Дилшод НАРЗУЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Бутунжаҳон ШОҲМОТ ОЛИМПИАДАСИ

ҳал қилувчи паллага кирди

Шоҳмот

Норвегиянинг Тромсе шаҳрида ўтказилаётган Бутунжаҳон шоҳмот Олимпиадасида кеча 9-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу ҳақда Миллий олимпия кўмитаси расмий сайти хабар бермоқда.

Саккизинчи турда австралиялик шоҳмотчилар билан баҳс юритган Ўзбекистон эркалар терма жамоаси 3:1 ҳисобида галабага эришди. Ушбу учрашувда Рустам Қосимжонов ва Уллубек Тиллаев рақиблирини мағлуб этишган бўлса, Антон Филиппов ҳамда Марат Жумаев дуранг натижани қайд этишди.

Эслатиб ўтамиз, шу кунга қадар ўтказилган баҳсларда эркалар терма жамоамиз Кипр (3,5:0,5), Дания (2,5:1,5), Бразилия (3,5:0,5), Украина (2,5:1,5), Австралия (3:1) терма жамоаларини мағлуб этиб, Германия термаси билан 2:2 ҳисобида дуранг натижани қайд этдилар. Россия (1,5:2,5) ва АҚШ (0,5:3,5) терма жамоалари билан кечган баҳсда имкониятни бой бердилар.

Бугун ўтказилган тўққизинчи турда ҳамюртларимиз финляндиялик шоҳмотчиларга қарши дونا сурдилар. 8 тур якунларига кўра, эркалар терма жамоамиз 177 давлат орасида 23-ўринни эгаллаб турибди.

Саккизинчи турда эркалар терма жамоамиздан фарқи равишда аёллар терма жамоамиз мағлубиятга учради. Испания термаси билан кечган баҳсда вакилларимиз 1:3 ҳисобида имкониятни бой бердилар. Ирина Геворган ва Севара Боймуродова рақиблири билан дуранг ўйнашган бўлса, Сарвиноз Курбонбоева ва Ольга Собирова бу сафар ютқазиб қўйди.

Бугунга қадар ўтказилган баҳсларда аёллар терма жамоамиз Гондурас (4:0), Бразилия (3,5:0,5), Уэльс (3:1), Боливия (4:0) терма жамоаларини мағлуб этиб, Латвия (2:2), Шотландия (2:2) термалари билан дуранг натижани қайд этишди. Сербия (1:3) ва Испания (1:3) терма жамоалари билан кечган баҳсда имкониятни бой берди.

Бугун аёллар терма жамоамиз кубалик шоҳмотчиларга қарши дона сурди. Тўққизинчи тур олдидан Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 136 жамоа орасида 29-ўринни эгаллаб турибди.

Нозима МУЯССАРОВА,
ЎЗМУ талабаси.

ОБ-ҲАВО	12-13.08 — 2014
Юртимиз бўйлаб (+С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+22 / +27	+37 / +42
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+22 / +27	+37 / +42
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+18 / +23	+35 / +40
Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+22 / +27	+37 / +42
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+18 / +23	+34 / +39
Тошкент шаҳри	
+19 / +21	+37 / +39
Дунё бўйлаб (+С)	
Лондон	+22 / +23
Париж	+23 / +21
Москва	+29 / +27
Мадрид	+31 / +27
Пекин	+32 / +27
Канберра	+14 / +16
Рим	+30 / +30
Афина	+34 / +36
Токио	+32 / +31
Стокгольм	+22 / +23
Кейптаун	+24 / +16
Қоҳира	+34 / +35
Гавана	+31 / +32
Вашингтон	+26 / +27

«Қуёшли»да ёз сOЗ ўТМОҚДА



Ёз — 2014

Шу кунларда Тошкент вилоятининг тоғли, баҳаво ҳудудларидаги «Камалак», «Хумо», «Коинот», «Чимён» каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўғил-қизлар мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Буни Бўстонлик туманининг Чимён қишлоғидаги «Қуёшли» оромгоҳи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига қарашли ушбу оромгоҳда мавсум мобайнида икки мингга яқин бола дам олади. Айни пайтда 380 нафарга яқин ўғил-қиз ҳордиқ чиқартаёт.

«Қуёшли»да олий тоифали шифокор ва икки нафар ҳамшира болажонлар соғлиғига масъул. Бу ерда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари билан бирга тез-тез табиат кўйинга саёхатлар ҳам уюштириб турилади.

— Оромгоҳда янги дўстлар орттирдим, — дейди самарқандлик Моҳинур Ўбайдуллаева. — «Моҳир кўллар» ва инглиз тили тўғралакларига қатнаб, кўп нарсаларни ўргандим. Янги ўқув йилида ўз устимда янада кўпроқ ишлаб, математика, физика каби фанларни чуқур ўрганмоқчиман.

Оромгоҳ ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам муҳим. Боиси, «Қуёшли»нинг умумий ер майдони 13 гектар. Унинг асосий қисмини мева ва манзарали дарахлар ташкил этади. Турфа гуллар кишининг баҳри дилини очади. Худудда етиштирилаётган мева-сабзавотлар болалар дастурхонига тортилади.

Ў.А.

РЕКЛАМА

«Toshkent universal auksion savdo» МЧЖ

2014 йил 28 август ва 2, 4, 9 сентябрь кунлари бошланғич нархи бoсқичма-бoсқич ўсиб бoриш тартибида ўтказиладиган такрорий очик аукционга таклиф этади

Очик аукционга Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг кўйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қайта қўйилмоқда:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«ANDIJON CHARM» МЧЖ	Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи	Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6 003 004 740,0	2 943 226,49
2.	«SOGDIANA PIPEPLAST» МЧЖ	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй	Полиэтилен кувурлар ишлаб чиқариш	3 145 245 000,0	1 542 089,14
3.	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Заводская кўчаси, 1-уй	Гранит ва мрамор плиталар ишлаб чиқариш	5 790 000 000,0	2 838 791,92
4.	«XUMO TO'QIMACHI» МЧЖ	Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳ кўчаси, 2-уй	Ип-калага ишлаб чиқариш	10 454 271 000,0	4 747 194,17

Очик аукцион шартлари:

Аукцион голиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи микдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шартли билан сотилади.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага)

қўйиш ҳуқуқсиз (сотувчи — «Ўзмилийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Хўжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабдор қўйидаги хўжатларни тақдим этиши лозим:

✦ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи хўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун хўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил катнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи хўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун хўжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига зақалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов хўжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун талабдорлар томонидан

аукционга қўйилаётган «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдорида ҳамда «Xumo To'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи микдорида зақалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтадилади. Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Очик аукцион белгиланган кунлари соат 11-00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис залли) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:
Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй, телефон: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.; телефакс: (8-371) 234-43-31.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (8-371) 233-02-49; телефакс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 860
11449
nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 23.30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

